



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 15 октябрь, № 201 (4864)

Пайшанба

## ЎЗБЕК ПАХТАСИНING НУФУЗИ

### жаҳон бозорида тобора ошиб бораётганлиги эътироф этилмоқда

Кеча Тошкент шаҳрида V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўз иштини бошлади. Икки кун давомида пойтахтимиз дунё пахта саноати мутахассислари, тўқимачилик корхоналари вакиллари ҳамда трейдерлари орзиқиб кутган ушбу муҳим тадбирга мезбонлик қилади. Бу мамлакатимиз халқаро пахта бозорининг асосий иштирокчисига айланганидан далолатдир.



#### Ярмарка

Дарҳақиқат, Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида пахта етиштириш ва қайта ишлаш тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар туфайли мазкур тармоқларда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Жаҳон бозорида ўзбек пахтаси ва толасининг нуфузи ошиб, тобора харидориги бўлиб бораётди. Ўзбекистон пахта етиштириш буйича дунёда олтинчи, уни экспорт қилиш буйича эса иккинчи ўринни эгаллаб тургани бунинг ёрқин далилидир.

Аслини олганда, мамлакатимиз дунёнинг пахта етиштирувчи давлатлари ичида энг шимолӣ минтақада жойлашган. Аммо бундай ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, юртимизда эртаги ва саноатбон пахта етиштирилмоқда. Шубҳасиз, бу ғўза селекцияси, пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сотиш ва етказиб

бериш буйича тизимли ислохотларнинг шароитидир.

Чиндан ҳам, юртимизда селекциячи олимлар зиммасига эртагишар ва серхсил, шунингдек, турли касаллик ва зараркунандаларга бардошли ғўза навларини яратишдек

катта вазифа юклатилди. Бунинг натижасида кейинги йилларда ўзида шу хусусиятларни мужассам этган, тупроқ ва иқлим шароитимизга мос ўнлаб янги навлар яратилди. Улар асосий майдонларда етиштирилиб, ишлаб чиқариш бутунлай замона-

вийлаштирилган корхоналарда қайта ишланаяпти. Пировардида сифат шурасатчилари жиҳатидан ташқи бозорда рақобатбардош тола олиниб, пахтачилигимиз шухрати янада кенгроқ ёйилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилган ва бугунги кунга келиб, аънава тусини олган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бундай тола

(Давоми 2-бетда).

Чет эл оммавий ахборот воситалари ва экспертлар жамоатчилиги вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг октябрь ойи бошида Уммон Султонлигига амалга оширган давлат ташрифи натижаларини шарҳлашда давом этмоқда.

### Ўзбекистон — Уммон:

## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ЯКУНЛАРИГА ШАРҲЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Оман», «Ал Ватан», «Ал Замон», «Times of Oman» газеталари ва Уммоннинг бошқа нашрлари Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасида «Ал-Алам» саройида икки давлат ўртасида иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик, олий таълим, илмий тадқиқотлар, маданият, ҳаво қатнови, энергетика ва нефть маҳсулотларини қайта

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни муқобиллаштириш борасидаги сайёҳатларини юксак баҳолайди. Ўзбекистон ва Уммон БМТ, Ислом Конференцияси Ташкилоти каби халқаро ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келади.

#### Дунё нигоҳи

«Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи «давлат ташрифи» макомининг берилиши, Уммоннинг Марказий Осиёда ҳал қилувчи ўринга эга бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганидан дарах беради, — деб хабарлайди Франция шарҳ тиллари ва цивилизациялар институтининг президенти Жак Легран. — Улкан тарихий, маданий, иқтисодий ва сиёсий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугунга келиб ҳаётнинг имзоланган ҳужжатларга алоҳида урғу беради.

«Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари дўстлик ва ўзаро ишонч тамойиллари асосида изчил ривожланиб бормоқда, — деб ёзади Россиянинг «Регнум» ахборот агентлиги. — Икки давлатнинг ташқи сиёсий маҳкамалари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Мамлакатлар терроризм, экстремизм, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар контрабандаси каби таҳдидларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларда бир хил фикрга эгадирлар. Уммон Ўзбекистоннинг

«Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи «давлат ташрифи» макомининг берилиши, Уммоннинг Марказий Осиёда ҳал қилувчи ўринга эга бўлган Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганидан дарах беради, — деб хабарлайди Франция шарҳ тиллари ва цивилизациялар институтининг президенти Жак Легран. — Улкан тарихий, маданий, иқтисодий ва сиёсий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугунга келиб ҳаётнинг имзоланган ҳужжатларга алоҳида урғу беради.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**НАМАНГАН.** Вилоятда тўғридан-тўғри жалб қилинган 3,6 миллион АҚШ долларлик хорж инвестицияси ҳисобига «MRT Tekstil» корхонаси қурилиб, ишга туширилган эди.

## Хориж инвестицияси ҳисобига

Бунга ҳали кўп бўлмаса-да, корхонада тайёрланаётган калава ип маҳсулотлари тобора харидориги бўлиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқарилган 1532 тонна маҳсулотнинг бир қисми, яъни 4119 минг АҚШ долларлик калава ип экспорт қилинди.

Айни пайтда бу ерда лойиҳанинг иккинчи босқичи — корхонага бўйш дастгоҳлари олиб келиб ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қ. НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ЖИЗЗАҲДАГИ «Эталон-Сангзор»** Ўзбекистон — Хитой — Туркия қўшма корхонасига замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатишга, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури анча кўпайди.

## Умумдорлик ошмоқда

Корхонада 20 хилга яқин уй жиҳозлари, идоралар учун турли мебеллар ҳамда эшик ва дераза ромлари тайёрланмоқда.

Эътиборли жиҳати, ускуналарни модернизациялаш натижасида қисқа фурсатда 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозорга жўнатилди.

Б. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**САМАРҚАНД.** Булуғур туманида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган иккита кичик корхона иш бошлади.

## Бир туманда икки корхона

Хусусан, Шароф Жуманазаров ташкил этган «Кристалл Булуғур сервис» корхонасига қоржидан замонавий тежамкор технологиялар олиб келиб ўрнатишга, бу ерда бир кеча-кундузда минг донга сифатли керамзит шлакблок тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун тадбиркор 100 миллион сўм маблағ сарфлади.

«Янги Работ Аваз» корхонасида эса 80 миллион сўм маблағ эвазига келтирилган дастгоҳлар ёрдамида айни кунда деворбон материаллар ишлаб чиқарилмоқда. Қувонарлиси, янги корхоналарнинг фойдаланишга топширилиши билан 20 киши доимий иш жойига эга бўлди.

А. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## СЎЗ — ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Сан ЖУАН хоним, «China National Cotton Exchange» компанияси бош директорининг ўринбосари (Хитой):**

— Ўзбекистоннинг пахта бозори барқарорлиги билан ажралиб туради. Компаниямиз кўп йиллардан буюн Ўзбек пахтасини сотиб олади. Чунки унинг юқори сифати Хитой саноати талабларига тўла мос.

Илгари ўзбек пахтасини воситачилар орқали харид қилар эдик. Мазкур ярмарка уни тўғридан-тўғри сотиб олиш имконини яратди. Ўзбекистон пахта толасининг халқаро андозалар асосида сертификатланиши муҳим қарорлардир.

Ярмарка юксак савияда ташкил этилгани билан эътиборга молик. Анжуманда иштирок этган хорижий компаниялар сонини йил сайин ортаётгани жаҳон бозорида

ўзбек пахтасининг нуфузи юксалиб бораётганидан далолатдир. Ярмаркада ўзаро манфаатли шартномалар тузиш ниятидамыз.

**Дак Су ЧАНГ, «J&N White Gold» компанияси директори (Корея Республикаси):**

— Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришмоқда. Бунинг иштирокчилар сонини ошириб бораётган мазкур ярмарка мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биз мамлакатимиз билан бир неча йилдан буюн самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Компаниямиз пахта савдоси билан шуғулланади. Ушбу ярмарка воситасида кўп томонлама фойдали мулоқотлар олиб борилаётгани билан эътиборга молик. Анжуманда иштирок этган хорижий компаниялар сонини йил сайин ортаётгани жаҳон бозорида

лигимиз изчил ривожланиб бораверади, дейиш учун тўла асослар бор.

**Мухаммад ПАНОҲИЙ, «Nikoo Group» компанияси савдо менежери (Эрон):**

— Компаниямизга тегишли етти корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Пахтачилигининг сифати юқори бўлгани бис маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзбек пахтасининг фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг компания вакиллари ярмаркада биринчи бор иштирок этмоқда. Бу ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Ярмаркада дунёнинг кўпلىк мамлакатларидан вакиллар қатнашишининг ўзбек пахтасининг шухрати дунё бўйлаб кенг ёйилаётганидан далолатдир.

Ў.А. МУХБИРЛАРИ  
НОДИРА МАНУРОВА,  
МАДИНА УМАРОВА  
ЭШИК ОЛДИ.

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларига қўшимча иш ўринларини яратиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Ушбу йўналишда олиб борилган ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши эса қонунларнинг самарали ишлашига боғлиқ. Зеро, муқаммал қонунлар юртимиз тараққиётида, аҳоли фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Айтиши жоизки, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бевоқифа табиий ресурслар, иқтисодий сармояларга ҳам боғлиқ. Тасаввур қилинг, ҳар қандай инвестор ўз бизнесини бошлашдан олдин, биринчи навбатда, фойда ҳақида ўйлайди, кафолатлар билан қизиқади. Бундай кафолатлар эса мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар билан тартибга солинган ва таъминланган. Инвестор, ўз навбатида, ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганади, унинг ҳуқуқлари қонуний таъминланишини билгангина, ўз фаолиятини бошлайди.

Дарҳақиқат, республикамизда меҳнат, бандлик, тадбиркорлик, мулкчилик, инвестициялар соҳасида оид қонунчилик базаси шакллантирилди. Уларни янада такомил-

лаштириш борасидаги ишлар бугунги кунда ҳам давом этаётди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда 2006 йили 570 минг янги иш ўрни яратилган бўлса, 2007 йилга келиб 630 мингдан ортиқ, ўтган йили эса 661 мингдан ортиқ янги иш жойлари вужудга келди. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз келтирилган мамлакатларда иш ўринлари қисқариб, ишсизлар сонини кескин ортаётгани билан пайтда, Ўзбекистонда жорий йилнинг олти ойи ичида, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида 534,6 мингта янги иш ўрни яратилишига эришилди. Айни пайтда, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 мартадан (372,1 минг) кўп эканлигини ифтихор билан қайд этиш ўринлидир.

Маълумки, 2008 йилнинг охирида Юртбошимизнинг Фармони билан Навоий вилоятида Эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилди. Эркин индустриал-иқтисодий зонада рўйхатга олинган субъектларга солиқ, божхона ва

бошқа тўловлар юзасидан ҳамда ҳўжалик фаолияти юритиш учун имтиёз ва преференциялар белгиланган. Ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинди.

Юқорида қайд этилганидек, янги иш ўринларини яратишга аҳд қилган инвесторга, аввало, кафолатлар зарур. Зеро, мазкур Қонуннинг 9-моддасига «Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритаётган юридик ва jisмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди», деган норма киритилди. Хусусан, ҳужжатда инвесторларга қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар назарда тутилиши мумкинлиги, асоссиз аралашув натижасида инвесторга етказилган зарарнинг ўрни, шунингдек, бой берилган фойда ҳамда етказилган маънавий зиён суд тартибидеда қопланиши ёки компенсация қилиниши кераклиги белгилаб қўйилди.

Ушбу Қонун ва Фармон асосида миллий иқтисодиётимиз тарихида,

Навоий вилоятининг алоҳида ажратилган ҳудудида, бундай қўлай инвестициявий муҳит яратилиши тадбиркорлик ва бизнеснинг фаоллашуви, унинг ривожига ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратди. Мазкур ҳудудда замонавий технологиялар негизда импорт ўринини босувчи, рақобатбардош, жаҳон бозорида ўз харидорига эга бўладиган товарларни ишлаб чиқарадиган корхоналар қад кўтарилди. Бунинг натижасида 36 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда яна бир муҳим соҳа — почта алоқаси ҳозирда ахборотлаштириш инфратизмининг таркибий қисмларидан бири сифатида жамятда ахборот алмашинувини таъминловчи, ижтимоий аҳамиятли соҳа сифатида ривожланиётганини таъкидлаш ўринли. Тараққиётимизнинг бугунги босқичида аҳолининг талаби ва имкониятлари почта бозорига ҳам ўз таъсирини қўрсатмоқда. Жаҳон почта бозоридеги тенденцияларни инобатга олиб, 2009 йилнинг апрель ойида «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахрири қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 августда қабул қилинган «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги қарори вилоят иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

## НАМАНГАНДА ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

«Наманган қоғози» масъулияти чекланган жамятининг ташкил этилиши мазкур қарор ижросининг дастлабки самараларидан бири бўлди. Ушбу корхонада ёзув, офсет ва энгил картон қоғозлари ишлаб чиқаришнинг таъминловчи, ижтимоий аҳамиятли яқунланб, узлуксиз маҳсулот чиқарила бошланди.

— Мазкур корхонанинг очилиши икки бозорни импорт ўринини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирди: муҳим ўрин тутди, — дейди жамят директори Юнусжон Содиков. — Ёзув, типография ҳамда энгил картон қоғози ишлаб чиқарадиган бу корхона ҳозирча мамлакатимизда ягона ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).



# ЖАҲОН

24 соат  
ичида


## Молиявий аҳволи ёмонлашган

Айни пайтга келиб "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳининг молиявий аҳволи ёмонлашган.

Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Тўда ўзининг маблағ келиб турадиган бир қанча манбаларидан ажралган. Айниқса, улар сони жорий йилда анча қисқариб кетган. Шу боис гуруҳ ўз тарафдорларидан иқтисодий кўмак сўраб бир неча бор мурожаат қилган.

## Глобал исиш оқибати

Ер юзиде кузатилаётган глобал исиш Альп музликларининг эришиши тезлаштирилмоқда, дея хабар тарқатди "New Scientist" нашри.



Афсуски, ҳосил бўлаётган сув таркибиде зарарли моддалар кўп экани кўзатирилган. Альп тоғи тиз-

маларидаги Обераар кўлида олиб борилган тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келинган.

Айтиб ўтиш керак, ер юзиде ҳаво ҳароратининг кўтарилиши тўғрисида биргина шу йилнинг баҳор ва ёз ойларида мазкур тоғ тизмаларидаги музликлар 5,1 миллион квадрат километр қисқариб кетган.


## Зарар миқдори катта

Жорий йилнинг шу даврига қадар ахборот технологиялари таъминот дастурларининг ноқонуний ўзлаштирилиши натижасида соҳа ишлаб чиқарувчилари 53 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

Бу ҳақда "Internet Piracy Report" ташкилоти томонидан тайёрланган ҳисоботда маълум қилинди. Изоҳланганича, ҳозирда дунё бўйича ўрнатилган дастурларнинг 41 фоизи ноқонуний ҳисобланади. Шу боис тегишли ташкилотлар кўмағида 2009 йилнинг шу даврига қадар дастурлар савдоси билан боғлиқ 19 мингта онлайн-аукцион фаолиятига чек қўйилган.

## Синолдаги аппарат

Буёқ Британиянинг Манчестер шаҳри аэропортига инсон танасини орқасида овозгарчиликларсиз текшира оладиган аппарат ўрнатилди.



Берган самарасига қараб, уни кейинчалик мунтазам ишлаши борасида қарор қабул қилинади.



Мазкур қурилма орқали инсон танасидаги ҳар қандай бегона жисмни аниқ кўриш мумкин. Мутахассисларнинг айтишича, ҳозирча аппаратдан синов тариқасида фойдаланилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## "Росагропромснаб" МЧЖ

### ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м<sup>3</sup>/соатдан 500 м<sup>3</sup>/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК ФИЛЬТРАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ



Махсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мазоеси, Ц.даҳаси, 6-уй.

Мўлжал — «Шўхрат» дўкони жойлашган чорраха.

ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.


Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Тошкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99, e-mail: sedou2006@yandex.ru



Бинобарин, экспортбон ва импорт ўрнини босувчи хариддоргир махсулотлар ишлаб чиқариш учун мамлакатимизда етарли хом ашё ресурслари мавжуд. Ана шу ресурслардан унумли фойдаланиш борасида, айтиш жоизки, ҳукуматимиз томонидан қулай шароитлар яратилмоқда.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаолигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари



улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Маълумки, айни пайтда мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини юмшатиш ва барта-раф этишга қаратилган чоралар дастури ишлаб чиқилиб, муваффақиятли тарзда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қувончлиси, ушбу дастурга дунёнинг кўплаб давлатлари катта қизиқиш билдираётди. Мазкур ҳужжатда хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, экспорт ҳажмини кўпайтириб, импортни камайтиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида урғу берилган.

қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, тижорат банклари узоқ муддатли кредитлар ажратишда бир қатор имтиёзлар берилди.

Табиийки, бу, ўз навбатида, тижорат банклари мамлакатимизга янада кўпроқ миқдорда хорижий банкларнинг инвестиция ва кредит маблағларини жалб қилишга ундайди.

Тижорат банкларининг республика-мизда кечаётган инвестиция жараёнларидаги, айниқса, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш сингари етакчи тармоқларининг лойиҳаларини молиялаштиришда иштироки катта бўлмоқда. Бунга «Ипотекабанк»

# ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА САРМОЯЛАР


акциядорлик тижорат ипотека банки фаолияти яққол мисол бўла олади. Мазкур молия муассасаси томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга жами 101,3 млрд.

## Молия муассасаларида

сўм миқдориде кредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар республикамиз иқтисодиётининг устувор тармоқларини ривожлантиришга, яъни стратегик аҳамиятга эга конларни ўзлаштиришга, ишлаб чиқариш жараёнларини модернизациялаш, йўл қурилиши соҳаси техникаларини сотиб олишга йўналтирилмоқда. Хусусан, Жиззах вилоятида асфальт-бетон ишлаб чиқариш завоидега тегишли асбоб-ускуналар сотиб олиш учун банк томонидан 750,0 минг АҚШ доллари миқдориде узоқ муддатли кредит ажратилди. Бу лойиҳа амалга оширил-

гач, республикамиз автомобиль йўлларини таъмирлаш учун арзон хом ашё етказиб бериш йўлга қўйилди ҳамда 100 дан ортқ янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, банк томонидан самарали лойиҳаларни молиялаштириш борасида Герма-



нининг KfW, Landes Bank Berlin AG, Hypo Verenis Bank, Хитойнинг Exim Bank ва Ислон тараққиёт банки каби хорижий молия муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Улардан жалб этилган кредит маблағлари эвазига телекоммуникация ва ижтимоий соҳадаги 12,5 млн. АҚШ долларлик йирик лойиҳалар молиялаштирилди.

Банк Ислон тараққиёт банкининг кредит линияси маблағларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтираётгани алоҳида эътиборга молик. Ушбу маблағлар эвазига Тошкент шаҳрида полиэтилен плёнкалар ва турли пол қопламалари ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун 558,5 минг АҚШ доллари, Самарқанд вилоятида автомобилларга ёниги қўйиш шохобчасига ускуна сотиб олиш учун 544,1 минг АҚШ доллари, Фарғона вилоятида

полиэтилен трубалар ишлаб чиқарувчи ускуна сотиб олиш учун 379 минг АҚШ доллари, Навоий вилоятида қурилиш техникалари сотиб олиш учун 1008,9 минг АҚШ доллари миқдориде кредитлар ажратилди, пировардида 100 дан ортқ янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон ҳамжамияти билан тобора интеграциялашиб бормоқда. Шу боис бу соҳага шериқ ҳамда инвесторларни жалб этиш ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Ўз навбатида, «Ипотекабанк» халқаро молиявий муассасалар билан ўзаро фойдали муносабатларни фаол йўлга қўйишга муваффақ бўлаётганини айтиб ўтиш жоиз. Айни пайтда банк иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга муносиб ҳиссасини кўшишга астойдил интильмоқда.

Қ. АБДУВАЛИЕВ. [1]

## МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ

### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2009/2010 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

#### АСПИРАНТУРА

математик; анализ; дифференциал тенгламалар; математик физика; геометрия ва топология; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; назарий механика; суяқлик ва газ механикаси; астрофизика ва радиоастрономия; физик электроника; оптика; яримўтказгичлар физикаси; ноорганик кимё; аналитик кимё; органик кимё; физик кимё; биоорганик кимё; биофизика; биокимё; ботаника; вирусология; зоология; генетика; тупроқшунослик; математик моделлаштиришнинг назарий асослари; ахборотларни химоялаш усуллари ва тизимлари, ахборот хавфсизлиги; Ўзбекистон тарихи; умумий тарих (тегишли давр тарихи); археология; этнография, этнология ва антропология; иқтисодий назария; минтақавий иқтисодиёт; онтология ва билиш назарияси; фалсафа тарихи; эстетика; дин фалсафаси; ижтимоий фалсафа; ўзбек адабиёти; ўзбек адабиёти тарихи; рус адабиёти ҳамда Европа, Америка ва Австралия халқлари адабиёти; журналистика; адабий манбашунослик ва матншунослик; ўзбек тили; туркий тиллар (номи); славян тиллари (рус тили); тил назарияси; қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира тилшунослик, лингвистик таржиманшунослик; табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; иқтисодий ва ижтимоий география; қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрокимё; метеорология, иқлимшунослик, агрометеорология; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимлар тарихи; фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ; маданият назарияси ва тарихи; умумий психология, шахс психологияси ва психология тарихи; педагогик психология; социология назарияси, услубияти ва тарихи; сиёсий фанлар назарияси, тарихи ва методологияси.

#### ДОКТОРАНТУРА

Математик физика; биоорганик кимё; эстетика; ижтимоий фалсафа; ўзбек адабиёти; ўзбек тили; фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2009 йил 20 октябрғача.

Маълумотларни олиш учун Университетнинг Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига: Тошкент шаҳри, талабалар шаҳарчаси, маъмурий бино, 11-қават, 113-хонага мурожаат қилинг. Телефон: 246-74-35.

## «Yili Star – River Trade & Business Co Ltd»

компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

### «North-Benz» русумли махсус техникалар (самосвал, тиркама, автокран, цемент ташувчи машина ва бошқалар) НИ

сотадиган мутахассислар танловини ўтказадди.

Шунингдек, хитой, рус ва ўзбек тилларини мукамал биладиган таржимон ҳамда қолиба танлов асосида ишга қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова кўчаси, 43-«А» уй. Тел./факс: (+99871) 233-29-69, 233-04-93, (+99897) 119-17-85, (+99893) 596-79-44.

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани, суд ижрочилари бўлими томонидан «МА3-35334» русумли, давлат рақами 30В1963 бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Тинчлик маҳалласи, Нарвўз кўчасида сақланаётган автотранспорт воситаси кўйилмоқда. (2009 йил 8 сентябрдаги 10880/11 ижро ҳужжатига асосан). Бошланғич баҳоси — 76 462 600 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 17 ноябрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

#### Талабгорлар диққатига!

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2009 йил 17 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрибий аукцион савдоси 2009 йилнинг 3 декабрь кунин бўлиб ўтиши олдидан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.kmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин. Мазкур автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочили бўлими вакили иштирокида бевоқифа жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидеги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда катнашиш истагидеги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10% идан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини курсатган ҳолда, РКМБнинг «Ипак йўли банк» ОАИКБ «Сағбон» филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Уразбоев кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52. www.kmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004.

## INTEGRAL ASIA

Узбекистон Республикаси худудидеги расмий дистрибьютор

### ...чўнтак компьютерларидан серверларгача



3 Ишончли таъминловчи технологиялар йиллик тўлиқ нафолат Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс: 120-30-26.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси бўлим бошлиғи Шермат Авезовга напарини бузуқворини

МАТЕКУБ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтини жамоаси илмий котиба, кимё фанлари номзоди Г. Б. Раҳимовга отасини Ботир РАҲИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясини «Yoshlar» телерадиоканали ЁАЖ жамоаси катта муҳаррир Баҳром Юсуповга фарзандини Отабек ТОШНУЛАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини ректорати ва жамоат ташкилотлари Рус тили кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Нуржамол Сапаровага онасини СОЛИЯ ЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Халқаро иқтисодий муносабатлар иқтисодиёти бўйича инглиз тили кафедраси катта ўқитувчиси Татьяна Гальцовага онасини Людмила КУЛИКОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институтини жамоаси Автомобилсозлик технологияси кафедраси доцентини Райрат Убайдуллаевга онасини ВАЗИРА ЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.



**Д**ўппидўзлик хунари бизга момолардан мерос. Шу боисми, Чуст хонадонларида қизалоқлар эсини таниганиданоқ қўлига игна тутиб, момоси ёки онасидан кашта тикишни ўргана бошлайди. Қизларимизнинг кўпчилиги ҳали мактабни тугатмасидан, қўли гул чеварлар сафидан жой олади.

## ҚАДРИЯТЛАРГА САДОҚАТ

Ўзим ҳам ёшлиқдан шу хунарга меҳр қўйганман. Онам Меҳринисо ая биз, тўрт қизга хунарнинг нозик сиру асрорларини кунт билан сингдиргани боис тиккан буюмларимизнинг харидори бисёр эди.

Шаҳримизда биз сингари дўппидўз сулола ҳар бир маҳаллада бор. Юртимизда миллий қадриятлар эъзоз топганлиги, хунармандчиликка кенг йўл очилганлиги боис улар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу, энг аввало, азалий қадриятларга садоқат рамзидир. Аслини олганда, дўппидўзлик — санъат. Меҳнати ҳам шунга яраша. Битта дўппини битказиш учун 200 минг мартадан зиёд қатим тортилади. Чуст аёллари тиккан дўппиларнинг 40 дан зиёд нусхаси мавжуд. Кейинги йилларда яна «Сатин», «Зиранусха», «Инжик» сингари янги нусхаларни яратди. Болалар учун эса «Хумо қуши», «Қуёш», «Узум гули» нусхали дўппилар тикмоқдамиз. Бундан тўққиз йил му-

қаддам маҳалладаги чевар опа-сингиллар меҳнатидан унумли фойдаланиш мақсадида «Гулизар» кичик корхонасини ташкил қилган эдик. Ҳозирга келиб, корхонамизда юздан зиёд қиз-жувон касаначилик асосида меҳнат қилмоқда. Уларни зарур хом ашё би-

### Гамхўрлик

лан таъминлаймиз, тиккан дўппиларини бизга олиб келиб топширишади. Ойига 400-500 донадан зиёд харидоргир маҳсулот тайёрлаяпмиз. Дўппиларимизга қўшни Андижон, Фарғонада ҳам талаб катта. Юртимизда тадбиркор ва хунарманд хотин-қизлар меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган гамхўрликлар боис фирмамизнинг қўли гул қизлари яратган маҳсулотларни кенг миқёсда танитишга муваффақ бўлмоқдамиз. Хусусан, яқинда пойтахтимизда ўтказилган «Қўли гулдир ўзбек аёли»

номли кўрғазмада фирмамиз ишчилари тиккан 30 дан зиёд турдаги маҳсулот билан катнашдик. Маҳсулотимизга харидор бўлиб, унинг кўп қисмини сотиб олишди, бундан ташқари қўллаб-қувватлар олдик. Биз, хунармандлар меҳнатига бўлган бундай эътибор гайратимизга гайрат қўшиб, момолардан мерос хунарни янада сайқал топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга қанот бўлиши билан аҳамиятлидир. Зеро, хунар аҳли учун эътибор, гамхўрлик, эркин ижодий муҳит мавжуд эканлиги боис ҳам мамлакатимизда бебаҳо қадриятлар бардавонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўишни мақсад қилган ташаббускор юртошларимиз сафи тобора кенгайиб бораётди.

**Ҳалима ҚОСИМОВА,**  
«Шухрат» медалли соҳибаси, Чуст шаҳридаги «Гулизар» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари.

## МАДАНИЯТ

хабарлари

### Янги спектакль тақдимоти

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат музыкали драма театрида ҳажвчи Сайловбой Жумагуловнинг «Сохта жинни» комедияси тақдимоти бўлиб ўтди.**

Асар воқеалари дутор ясовчи Қайип чолнинг сохта ташхис асосида биринчи гуруҳ ногиронлигига чиқарилиши билан бошланади. Кўлиги ҳолатларга бой комедияда ёлғон охир-оқибат яхшиликка олиб келмаслиги турли саҳна кўри-нишлари орқали очиб берилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жалғас Султабаев саҳна-лаштираган мазкур спектакль томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

**Х. АҲМЕДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### «Юлдашлар ёғдуси»

**Самарқандда ёш эстрада ижрочиларининг «Юлдашлар ёғдуси» республика фестивали бўлиб ўтди.**

Ёшлар қалбида мусиқа ва санъатга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда истеъдодли ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловда она-Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Фестивалда Булунгур туманидаги «Бинафша» бадий ҳаваскорлик тўғраги аъзоларининг чиқишлари кўпчилигида катта таассурот қолдирди. Натижада тўғрақ аъзоси Санжар Тўлқиновнинг ижро маҳорати энг юқори ўринга лойиқ топилди.

**А. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

2008 йилда Осиё қитъаси ва Ўзбекистоннинг «Энг яхши ҳақами» дея эътироф этилган Равшан Эрматов 24 октябрь — 15 ноябрь кунлари Нигерияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати баҳсларини бошқаришга таклиф этилди.



## РАВШАН ЭРМАТОВ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Яна бир ҳаюртимиз Рафаэл Илёсов ушбу мусобақада қанот ҳақами сифатида иштирок этади. — Жаҳон чемпионати ўйинларини бошқариш барча ҳақамларнинг орзуси, — дейди Р. Эрматов. — Бизга ишониб топшириладиган учрашувларни юқори савияда ўтказишга ҳаракат қиламиз. Назаримда,



ушбу мусобақадан кейин 2010 йили Жанубий Африка Республикасида катталар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионати ўйинларини бошқарадиган ҳақамлар рўйхати ҳам эълон қилинса керак.

Эслатиб ўтамиз, Равшан Эрматов 2010 йили ЖАРда ўтказиладиган жаҳон чемпионати ўйинларини бошқариш учун номзод бўлган ҳақамларнинг тахминий рўйхатидан жой олган.

## ОБ-ҲАВО (15 октябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзғариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.  
**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.  
**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзғариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.  
**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 5-10,

кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.  
**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзғариб туради, ёғингарчилик қутилмайди. Кечаси 6-11, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.  
**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик қутилмайди. Тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.  
**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзғариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 6-8, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.  
**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

## Теннисчиларимиз кейинги босқичда

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида давом этаётган, мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Challenger Tashkent 2009» халқаро турнири қизгин паллага кирди.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган беш нафар теннисчиларимиздан иккитаси кейинги босқичга йўллангани қўлга киритди. Жумладан, ёш иқтидорли ракетка устаси Арсен Асанов яна бир вақилимиз Рифат Биктақовга қарши кортга чиқиб, 6/4, 1/6, 6/3 ҳисобида зафар қучди. Қатор халқаро турнирлар совриндори Денис Истомин эса словакиялик Мартин Клизанини осонлик билан енгди. Ҳаюртимиз 2/0 ҳисобида олдинда бораётганда, рақибни ўйинни давом эттира олмаслигини маълум қилди. Шунингдек, кеча жуптлик баҳслари ҳам бўлиб ўтди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**



«Агробанк» — 2003, 2004, 2007 ва 2008 йилларда Ўзбекистон «Йил банки» танлови совриндори

«Агробанк» — таъинли «Fitch Ratings» халқаро рейтинг компаниясининг «Барқарор» тоифасидаги тўлиқ халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлган банк

# «АГРОБАНК»

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ


## таклиф этади

- миллий ва хорижий валюталардаги ишончли ҳамда юқори фоизли даромадли омонатлар;
- жисмоний шахслар учун **истеъмом кредитлари**;
- юридик шахслар учун **имтиёзли кредитлар**:
  - инвестициявий лойиҳаларни такомиллаштириш учун (янги замонавий технология ва жиҳозларни жорий этиш учун);
  - деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва кенгайтириш, жумладан, қишлоқ хўжалиқ техникалари, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ёрдамчи ашёлар харид қилиш учун;
  - экспортга қаратилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш, асосан, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган технологиялар хариди учун.

Шунингдек, қулай пластик карталарини таклиф этади:
 

- барча учун сўм пластик карталари ҳамда ёш оилалар ва талабалар учун имтиёзли сўм пластик карталари;
- VISA Card тизимининг хорижий валютадаги пластик карталари:

### VISA Electron




«VISA Electron» — дунё амалиётида қулай бўлган тўлов карта бўлиб, илк бор тўлов картасини қўллаётган истеъмомчилар ҳамда чекланган даромадли мижозлар, талабалар, ёшлар учун таклиф этилади.

### VISA Classic



«VISA Classic» — универсал тўлов картаси ҳисобланиб, дунёнинг ҳамма банкоматларида, реал ва виртуал дўконларида ҳамда телефон ва почта хизмати орқали маҳсулотларни харид қилиш дўконларида фойдаланиш учун қулайдир.

### VISA Gold



«VISA Gold» — энг нуфузли тўлов карта ҳисобланиб, бошқа хизматларга қўшимча равишда сизга дунё бўйлаб саёҳатга чиққанингизда, лозим бўлган ҳолларда, тиббий ёрдам ва юридик хизматлар кўрсатилади.

«Агробанк» — пойтахтдан бошлаб мамлакатимизнинг чекка ҳудудларигача ўзининг филиаллари ва минибанкларига ега бўлган йирик ҳамда универсал банк.

77 000 акциядор ва 1 300 000 дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатувчи ишончли банк (260 та юридик шахс ҳамда омонатчи ва пластик карта эгалари).

**Бизнесингиз ривожини сари барқарор ҳамкорни танланг!**

**«АГРОБАНК» — ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА БУЎДҚОРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Ғофет усулида босилган. Қоғоз бېғими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган кўл ёзма нархлар қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1 -Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолимова.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА якуни — 20.20 Топширилди — 21.10

12 45